




ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАРНИНГ СОБИҚ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни Қатар Давлатининг собиқ Бош вазири, ушбу мамлакатдаги қатор йирик инвестиция ва саноат холдинглари асосчиси Ҳамад бин Жассим Ол Сонийни қабул қилди.



Қатар делегацияси олий даражадаги келишувлар доирасида юртимизда бўлиб турибди.

Ўзбекистонда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бухоро шаҳрида замонавий меҳмонхона мажмуаси, Тошкент шаҳрида йирик логистика маркази, савдо ва турар-жой мажмуасини қуриш, юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган автомобиль ва темир йўллар инфратузилмасини барпо этиш, аэропортларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика, металлургия, тўқимачилик саноати, чорвачилик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидан.

Ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма фонд ташкил этиш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Лойиҳалар қўшма “йўл харитаси” асосида амалга оширилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.



МУНОСАБАТ

Ўзбекистон – Франция: МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

2024 йил январда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 32 йиллиги нишонланади. Франция мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб, 1992 йил 3 январда тан олган. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 мартда ўрнатилган бўлиб, ўша йил Франциянинг Ўзбекистондаги, 1995 йил март ойдан эса Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган.

Ўзбекистон ва Франция муносабатлари тарихини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич — 1992 йилдан 2016 йилгача, иккинчи босқич — 2016 йилдан то бугунги кунгача бўлган давр. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов 1993 ва 1996 йилларда Францияга давлат ташрифи билан борган. 1994 йилда эса Франциянинг ўша пайтдаги Президенти Франсуа Миттеран Ўзбекистонга келган илк олий француз раҳбари бўлган эди.

Шундан кейин ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишда қадамлар ташланди. Хусусан, 1993 йил октябрда “Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома” имзоланди. Шунингдек, ўша йилларда

имзоланиб, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-сотиқ ривожига катта ҳисса қўшган ҳужжатлар орасида Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро Ҳимоя қилиш, Ҳаракат эркинлиги, Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битимларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Шунингдек, 2001 йил июль ойида эса савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлараро комиссияси иш бошлади. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, Ўзбекистоннинг Франция билан ўзаро савдосида энг қулай имтиёзли режими ўрнатилди.

Давоми 3-бетда



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



ШУНДАЙ ВАҚТ КЕЛДИ

Ўтган ҳафта мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти дунёнигоҳи-ла қараганда ҳам ғоят муҳим воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Франция Президенти Эммануэль Макрон Самарқандда шарқона ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинди, икки юрт ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди, Франция раҳбари Ўзбекистонда олиб борилаётган очик сиёсатни расман эътироф этди.

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти Кенгашининг навбатдаги саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сўзлаган нутқида ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узок мuddатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга қаратилган

амалий таклифлари, хусусан, “Ташкилот доирасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиклик тамойилларини мустаҳкамлаш, биргаликда турли тўсиқларни самарали енгиб ўтиш бош мақсадимиздир”, деган сўзлари халқро кузатувчиларнинг диққат-эътиборида бўлди.

Давоми 5-бетда



НУҚТАИ НАЗАР

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОР ВА ДАХЛСИЗ

Жорий йилда халқро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ҳамда Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллигини кенг нишонламоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг таъсирчан тарихи инсон ҳуқуқларининг умумбаъшарий қадрият эканини тўла намоён этади. Бусиз тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Ўзбекистон БМТ Бош котибининг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини қўллаб-қувватлайди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларда инсон ҳуқуқлари масаласи муҳим ўрин тутди. Шунингдек, Стратегияда белгиланган ислохотлар БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига

мос келади ҳамда “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилини таъминлашга қаратилган.

Сунги йилларда мамлакатимизда “инсон шъни ва кадр-қиммати йўлида” ғояси асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Давоми 2-бетда



ЮКСАЛИШ

ФАРОВОНЛИКНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ аҳоли ижтимоий ҳимоясида муҳим аҳамиятга эга

Аҳоли фаровонлиги, халқ турмуш даражасини юксалтириш ҳар қандай давлат, жамиятнинг мақсади ва устувор вазифасидир. Аммо унга эришиш анча мураккаб, давлатнинг ижтимоий сиёсати билан боғлиқ бўлиб, муайян ижтимоий-иқтисодий модель доирасида рўйбга чиқади. Фаровонлик, биринчидан, ижтимоий соҳа ривожланишининг стратегик йўналишини назарда тутса, иккинчи томондан, ушбу мақсадга эришишга мос чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни бажаришни талаб этади.

Халқ фаровонлигини ошириш ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва жамият аъзоларини жипслаштиришда муҳим роль ўйнайди. Аммо фаровонликка, биринчи навбатда, иқтисодий муаммоларни ечиш, иқтисодий ўсишга эришиш контекстида қаралиши муҳим. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий сиёсат стратегиясини ишлаб чиқишда, Фарб мамлакатларида бўлганидек, унга, энг аввало, ишлаб чиқариш самарадорлиги, унумдорлик, фойдалиликни ошириш ва рақобатбардошлик, яъни иқтисодий ўсиш омили сифатида ёндашиш лозим. Гап шундаки, ижтимоий ривожланиш модели кўп жиҳатдан иқтисодий ривожланиш характери билан белгиланади.

Ҳар қандай иқтисодиётнинг асосий муаммоси тақдор ишлаб чиқариш тизимининг самарали фаолиятини шакллантириш, тармоқлар ўртасида мақсадга мувофиқ нисбатларни яратишдир.



Бу, албатта, миллий иқтисодиётда доимий қайта қуришларни талаб этади. Иқтисодий ўсиш ва фаровонлиқнинг аънавий манбаи — хомашё ресурсларидан чекиниб, қўшимча қиймат яратадиган таркибга ўтиш зарур. Чунки хомашёга асосланган тараққиёт модели экстенсив ривожланиш сифатида ўз имкониятларини тугатиб бормоқда.

Одатда фаровонликка йўналтирилган ижтимоий сиёсат учта йўналишда олиб борилади:

Биринчиси, резидуал. Бу модель қолдиқ тамойилга асосланиб, шахснинг эҳтиёжи бозор ва оила механизми орқали қондирилади. Модель “оқсаб” қолган тақдирда унга давлат аралашади.

Иккинчиси, меритократик модель бўлиб, ижтимоий суғурта тизими орқали ишлабдиган, асосан, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли қисмига йўналтирилади.

Давоми 4-бетда



“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ

МАЖБУРИЯТЛАР МАЖМУИ ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ҚАНЧАЛИК ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ?

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор мақсадларига эришишда ҳар бир давлат бизнес учун жозибадор ва қулай муҳитни таъминлаши зарур. Зеро, инвесторлар бирор давлат иқтисодиётига инвестиция киритишдан олдин ўша ердаги тадбиркорлик фаолияти билан бемалол шугулланиш ва фойда олиш учун яратилган шароитни атрафчи ўрганади. Шу боис, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ривожланишни кўзлаган давлат инвестор ва тадбиркорлар учун қулай муҳит яратишга интилади.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда кенг қамровли ислохотлар кечмоқда. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунлар, Президентнинг юздан ортқ фармон ва қарори, ҳукуматнинг 300 дан ортқ қарори, минга яқин бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025

йилларга мўлжалланган инвестиция дастури қабул қилингани эса иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон – Франция: МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Жамолиддин ТУРДИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази етакчи илмий ходими

Бошланиши 1-бетда

Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Рюэль-Мальмэзон қардош шаҳарларга айланди. Зеро, қадимда Буюк Ипак йўли бўйлаб Лионга етиб борган Самарқанд ипаци айнан шу шаҳарда қайта ишланиб, бутун Европада тарқатилган. Ўзбек-француз ҳамкорлигининг биринчи босқичида Ўзбекистон Франциядан, асосан, замонавий техника ва ускуналар сотиб олиб, ушбу мамлакатга хомашё маҳсулотлари сотди. Шу сабабли ҳамкорлик етарли даражада жадал ривожланмади ва ҳатто 2000 йилларнинг ўрталарига келиб, пасайиш тенденцияси кузатилди.

Бу муносабатлар 2016 йилда — Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганидан кейин динамика ривожланиб босқичига кирди, десак адашмаймиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар дунёда, жумладан, Европа Иттифоқи ва Францияда ҳам қатта қизиқиш уйғотди, бу эса ўзаро муносабатларни янада самарали ривожлантиришга имкон берди.

Сўнгги 6 йил ичида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 33,2 фоизга, 257,2 миллион доллардан 342,5 миллион долларгача ўсди ва 2022 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2021 йилга нисбатан 22 фоизга ошди.

Шунингдек, 2017-2022 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига Франция инвестицияларини жалб этишда ҳам иқтисодий динамика кузатилган. Хусусан, сўнгги олти йилда Ўзбекистонда француз капитали бўлган корхоналар сони 3,5 баробар кўпайди.

2023 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистоннинг Францияга экспорти 21,3 миллион доллардан 70,8 миллион долларгача, яъни 3,3 баробар ўсди. Ўз навбатида, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан Ўзбекистоннинг Франция билан товар айирбошлаш ҳажми 2,8 баробар, 232,1 миллион доллардан 658,8 миллион долларгача, экспорт эса 4,4 баробар — 69,4 миллион доллардан 307,6 миллион долларгача ўсди.

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон экспортда юқори улушга эга бўлган 10 та давлат орасида Франция 308 миллион долларлик натижа билан 8-ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг умумий товар айланмасидаги Франция улуши 1 фоизни, Франциянинг Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан савдо айланмасидаги улуши 7,2 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда француз капитали иштирокидаги 46 корхона, жумладан, 26 та қўшма корхона ва 100 фоз француз капитали иштирокидаги 20 та корхона ишлаб турибди. Франциялик тадбиркорлар юртимизда, асосан, қурилиш, коммунал, туризм, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритмоқда.

2021 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Европа Иттифоқининг “Преперенциялар бош тизими” (GSP+) бўйича бенефициар давлатига айланди. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон

GSP+ бенефициар макomini олиши муносабати билан мамлакатимиздан тўқимачилик, электротехника, гилам маҳсулотларининг айрим турлари экспортда ўртача ўсиш кузатилди. Маълумот ўрнида, Ўзбекистоннинг GSP+ бенефициар макомига эга бўлиши маҳсулотларни, жумладан, 6 мингдан ортиқ маҳсулот турини Европа Иттифоқига божсиз олиб кириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Франция инвестициялари иштирокида бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ёки амалга оширилмоқда. Хусусан:

- Самарқанд вилояти Нуробод туманида 100 миллион долларлик “Total Egen” компанияси билан 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш;
- “Orano Mining” компанияси билан 344,8 миллион еврога уран қазиб олишнинг истиқболли йўналишлари бўйича қўшма қидирув ишларини олиб бориш;
- Сирдарё вилоятида “EDF” консорциуми (Франция), “Nebras Power” (Қатар) ва “Sojitz Corporation” (Япония) қуввати томонидан 1600 МВт бўлган буғ-газ электр станциясининг қурилиши;
- “SUEZ” компанияси иштирокида “Тошкент сув секторини трансформация қилиш режаси” ва “Сурхондарё вилоятининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш” лойиҳалари ишга туширилмоқда.

Шунингдек, Франция тараққиёт агентлиги (AFD) билан биргаликда 3 миллион евролик 350 лойиҳа амалга оширилди ва 434,3 миллион евролик

СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, 2023 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТИДА ЮҚОРИ УЛУШГА ЭГА БўЛГАН 10 ТА ДАВЛАТ ОРАСИДА ФРАНЦИЯ 308 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК НАТИЖА БИЛАН 8-ўРИННИ ЭГАЛЛАБ ТУРИБДИ. ҲОЗИРГА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ УМУМий ТОВАР АЙЛАНМАСИДАГИ ФРАНЦИЯ УЛУШИ 1 ФОИЗНИ, ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН САВДО АЙЛАНМАСИДАГИ УЛУШИ 7,2 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

5 та лойиҳа қуйидаги йўналишларда жарилмоқда:

- “Яшил иқтисодиёт” дастури доирасида 150 миллион евро миқдоридagi бюджетни қўллаб-қувватлаш;
- Қашқадарё (Шахрисабз, Китоб) ва Навоий вилоятларида (Кармана) 105 миллион евро миқдоридa канализация тармоқларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш;
- 100 миллион евро миқдоридa чорвачилик соҳасини ривожлантириш лойиҳаси;
- Самарқанд шаҳрида 23,5 миллион евро миқдоридa қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш;
- қиймати 55,8 миллион евро бўлган Чорвоқ ГЭСдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш учун гидротехника иншоотларини қуриш.

Ўзбекистоннинг ички бозори ва мамлакатимиздан учинчи давлатларга экспорт қилиш учун юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларни тайёрлаш бўйича замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш учун француз инвестициялари ва технологияларини жалб қилиш икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир. Масалан, ўзбек томони Франциянинг жаҳонга машҳур йирик кийим-кечак брендларини (Chanel, Louis Vuitton, Kiabi ва бошқалар) Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва буюртмаларни жойлаштиришга жалб этишдан манфаатдор. Бу ҳам мамлакатлар орасида тўқимачилик соҳасидаги ҳамкорликни янада яқинлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлида жойлашган улкан сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакат. Шу боис, туризм йўналиши ҳам ўзбек-француз ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидан бири саналади. Ўзбекистон Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумот беришича, 2023 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, Франциядан Ўзбекистонга 14 мингдан зиёд турист ташриф буюрган. Шунингдек, Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари мавжуд. Масалан, Франциянинг “Vougyues” компанияси Бухоро сайёҳлик зонасини қуришда иштирок этиши тўғрисида келишувга эришди.

Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) билан биргаликда жами 8 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар орасида Самарқанд шаҳрида чорвачилик секторини ривожлантириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш бўйича “яшил иқтисодиёт” дастурлари ҳам бор.

“Veolia”, “EDF”, “Orano”, “Lactalis”, “Carrefour” ва “Shiever” каби жаҳонга машҳур компаниялар билан биргаликда энергетика, геология-қидирув, озиқ-овқат саноати ва чакана савдо соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик давом этмоқда.

2023 йил 1-2 ноябрь кунлари Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Республикасига илк маротаба расмий ташриф билан келди. Президент Шавкат Мирзиёев француз етакчисини Самарқанд шаҳрида қутиб олди. Икки томонлама музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Ҳужжатда икки давлатнинг ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш нияти қайд этилган.

Ташриф ўзбек-француз муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш учун замин яратди, деб айта оламиз. Томонлар ишбилармонлар ўртасидаги шерикликни илгари суриш учун Ўзбекистон — Франция савдо палатасини ишга тушириш ҳамда Тошкентда Business France агентлиги офисини очишга келишиб олди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида молия, таълим, маданият ва икки томон-



Дмитрий ОГАЙ, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтини бўлим мудири, юридик фанлар номзоди

Бошланиши 1-бетда

Инвестор барча ноаниқлик ва қарама-қаршиликларни фақат ўз фойдасига изоҳлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасига эга ишончли бозорни танлайди. Буларнинг барчаси учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий қафолатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори зарур. Бу борада янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямиз муҳим ҳуқуқий дастуруламал бўлмоқда.

Конституциямизда илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига янги мажбуриятлар олди.

Бу каби конституциявий қафолатлар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, солиқ юқини камайтириш, эркин ва рақобатли бизнес муҳити яратишда муҳим омил бўлмоқда. Натижада юртимизда инвестициявий ва тадбиркорлик муҳити тобора мустаҳкамланиб борапти. Бу эса иқтисодиёт тармоқлари ривожига ҳам туртки бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар томонидан ишбилармонлик муҳити яхшиланиши натижасида 55

СТРАТЕГИЯДА, ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛИЙ ХОМАСШЁ БАЗАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДА МИСНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАЖМИНИ 300 МИНГ ТОННАГА ОШИРИШ БЕЛГИЛАНГАН, ШУНИНГДЕК БАРЧА МАИШИЙ ТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШГА 1,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ ҲАМ КўЗДА ТУТИЛГАН. БУ ЛОЙИҲАЛАР НАТИЖАСИДА САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАР УЛУШИ 25 ФОИЗДАН 32 ФОИЗГА ЭТАДИ. ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ 2 БАРОБАР ОШАДИ.

мингдан ортиқ бизнес биноси қурилди. Даромадлари 1 миллион доллардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна мингта субъектнинг савдо айланмаси 1 миллион доллардан 10 миллион долларга, 220 та корхонанинг даромади эса 100 миллион долларга ошди.

Ушбу ислохотлар самарасида Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги макomi янада мустаҳкамланди. Натижада охириги бир йилнинг ўзида 100 мингта яқин янги корхона ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислохотлар бошланган 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошди.

Бу хайрли ишлар изчил давом эттирилиб, келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард долларни хусусий инвестиция бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳа ишга тушади, яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли давлат барпо этишдек эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун зарур имкониятларни яратиш, шу мақсадда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтаришда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси муҳим дастуруламал ҳужжат бўлмоқда.

Стратегия барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлат барпо этиш, мамлакат суверенитети ва хавфсизлигини қафолатли таъминлаш каби асосий гоёларни қамраб олган.

Мазкур йўналишлар доирасида келгуси етти йилда иқтисодиёт ҳажмини икки баробар ошириш, хусусан, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард доллар, аҳоли жон бошига даромадлари 4 минг долларга етказиш, макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ривожланишни зарур даражадаги энергетика, сув ва инфратузилма ресурслари билан таъминлаш, мамлакатда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш мақсад қилинган. Айни пайтда бу йўналишда кенг қамровли ишлар бажарилляпти. Мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозо-



муҳити яратилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ошади.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида саноат ипотекаси тизимини жорий этиш, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, металлни қайта ишлаш, геология, энергетика, биотехнология, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт ва логистика каби йўналишларда “Изланиш ва ривожлантириш” (R&D) марказлари ташкил этилади.

Инвестициявий жозибадорликни янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш ҳисобига 250 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштириш, жумладан, 110 миллиард доллар хорижий ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестиция жалб қилинади. Эркин муомаладаги қимматли қоғозлар савдолари ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш, стратегик аҳамиятга эга, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд технологик ва инфратузилмавий лойиҳани ишга тушириш, ҳудудларнинг инвестициявий рейтингини юритиш, имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуднинг инвесторлар учун жозибадорлигини янада ошириш мақсадлари рўёбга чиқади.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кўтариш учун аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестиция жалб қилинади. Бу эса аграр соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кластерларга барча субсидияларни ягона “Агротсубсидия”

таъмоили асосида тақдим этиш, энг муҳими, бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилга 10 миллиард долларга етказишга замин яратади. Табиийки, аграр тармоқ ривожидан деҳқон ҳам, давлат ҳам фойда қўради. Эл дастури уни тўқин бўлади. Бу нафақат мамлакатимиз ва минтақамизда, балки бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Миллий манфаатларни илгари суриш ва ҳимоялашда иқтисодий дипломатия самарадорлигини ошириш ва уни фаоллаштириш ҳам муҳим. Бу борада МДХ мамлакатлари билан аънаванавий, кенг қамровли ва стратегик шериклик алоқалари, Европа билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни янада ривожлантириш лозим.

Осиё-Тинч океани ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка минтақаси ҳамда Америка қитъаси мамлакатлари билан ҳам ҳамкорликни изчиллаштириш тараққиётимизда муҳим омил бўлади. Стратегияда шу йўналишда ҳам аниқ ва тизимли вазифалар белгиланган. Уларни ўз вақтида бажариш халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, дунёда тинчлик ва тараққиётга эришишда ўз самарасини беради.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатимизнинг яқин истиқболдаги ривожланиш йўлини намоён этувчи муҳим ҳужжатдир. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга ошиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни жадаллаштириш, халқимиз турмуши фаровонлигини юксалтиришда самара беради.



ЮКСАЛИШ

Халқимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайди. Биз 2030 йилгача уни 7 фоизга туширишни режа қилганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқидан.

ФАРОВОНЛИКНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

аҳоли ижтимоий ҳимоясида муҳим аҳамиятга эга



Нурислом ТҲЛИЕВ,
иктисодиёт фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Учинчиси — институционал моделда эса давлат бош роль ўйнайди. Жамиятнинг барча аъзоларини қамраб олади. Бозордан ташқари ижтимоий хизматларни таъминлайди. Унинг объекти бутун аҳоли бўлиб, ижтимоий ҳимоя табақалашган моддий ёрдам кўрсатилиши, меъёргадаги ҳаёт стандартларига эришишни кўзда tutади. Бу моделга аҳолининг кам таъминланган қисмини моддий қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган миллий моделмиз кўп жиҳатдан мувофиқ келади.

БМТ тавсиясига кўра, фаровонлик бир қанча омиллардан таркиб топади. Саломатлик, овқатланиш, кийим-кечак билан таъминланиш, истеъмолад ва жамғарма нисбати, меҳнат шaroити, бандлик, меҳнатни ташкил этиш, саводхонлик (маълумотлилик), ижтимоий таъминот, инсон эркинлик даражаси шулар жумласидан. Фаровонликни таққослаш учун БМТ таклиф этган “Инсон ривожланиш индекси (ИРИ) — аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, ўртача ҳаёт давомийлиги ва таълим даражасидан фойдаланилади. Аммо унинг асосий мезони аҳоли даромади кўрсаткичи ва табақаланишидир. Даромадлар даражаси мамлакат иқтисодий ривожланиши натижаси бўлса, табақаланиши эса иқтисодий, демографик ва ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади. Децил коэффицентидеб аталладиган кўрсаткич мамлакатдаги 10 фоиз энг юқори таъминланган ҳамда 10 фоиз энг кам таъминланган аҳоли ўртасидаги фарқ билан ўлчанади. Бу нисбатнинг минималлигини таъминлаган Япония бир вақтлар “ижтимоий баркамоллик

жамияти”, дея таърифланган. Тўғри, ҳозир Скандинавия ва Фарбий Европадаги қатор мамлакатлар бу борада катта муваффақиятга эришди. Фаровонлиқнинг энг асосий тавсифларидан бири пул даромадининг аҳоли яшаш минимумига мувофиқ келишидир. Ўзбекистонда Жини коэффицентидеб буйича даромадлар нотенглиги индекси 2022 йилда олдинги йилга нисбатан бир оз пасайиб, 0,327 га тенг бўлди. Бу бозор иқтисодиёти шароитида “юмшоқ” табақаланишни билдиради.

Утган йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати 80,4 миллиард долларни ёки жорий қийматда 888 триллион 341,7 миллиард сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 5,7 фоиз бўлди. Бу пандемия инкрузи оқибатида ҳали тўла барҳам берилмаган, санкциялар уруши авж олган даврда мамлака-

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (миллиард доллар)


2018	52,9 (5,5%)
2019	60,3 (6%)
2020	60,2 (2%)
2021	69,6 (7,4%)
2022	80,4 (5,7%)

тимизни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаётган камдан кам давлатлар қаторига кириштиш учун арзигулик кўрсаткич.

Албатта, бизга ҳар қандай ўсиш эмас, балки аҳоли даромади баробарида кечадиган иқтисодий ўсиш муҳим. Бу халқ фаровонлигини таъминлайдиган, сифат жиҳатдан ўсиш бўлади. Агар аҳоли даромади ўсиши ЯИМ ва инфляциядан устун бўлса, янада яхши.

Статистик маълумотларга кўра, аҳоли даромадининг ўсиш кўрсаткичи 2022 йилда олдинги йилга нисбатан ЯИМ ўсишидан анча юқори бўлган. Бу ўсиш, айниқса, Тошкент шаҳри, Навоий ва Бухоро вилоятларида мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори. Демак, ЯИМ ва аҳоли даромадининг охиши сабаб-оқибат боғланишига эга. Биринчисининг ўсиши иккинчисини тақозо этади ва муҳим омил бўлиб хизмат қилади ёки аксинча. Масалан, инсон капиталига инвестиция киритиш орқали рақобатбардошлик қўллаб-қувватланади.

Эконометрик тадқиқотларимизга кўра, аҳоли реал даромади 1 фоиз ошганда



ялпи ички маҳсулот жорий қийматда 1,12 фоиз ошди. Реал даромад 10 фоиз ошса, ЯИМ 11,26 фоиз, реал даромад 50 фоизга етганда эса ЯИМ ўсиши 57,49 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган ЯИМ ҳажмини 2 баробар ошириш ва БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури талабларига мувофиқ келади.

Аҳоли даромади ва ялпи ички маҳсулот ўсиши ўртасидаги боғлиқлик борган сари кучайиш тенденциясига эга бўлади. Чунки инновацион, юқори технологияли ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида банд бўлган, умуман, қўшилган қиймат яратадиган ходимлар сони ортиб боради. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бошқа соҳаларда банд бўлганларникига нисбатан юқори бўлиши табиий.

Аҳоли умумий даромадининг таркиби ҳам тақсимлашиб бормоқда. Утган йил якунилар буйича аҳоли умумий даромадда меҳнат фаолиятидан олинган даромад 61,6 фоизни, шахсий истеъмолад учун ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромад 6,3 фоизни, мол-мулкдан олинган даромад 2,3 фоизни, трансфертлардан олинган даромад 29,8 фоизни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертлар қайтарилиш шарт бўлмаган активлардан иборат бўлиб, уларнинг 71,8 фоизини пенсия, 26,4 фоизини нафақа, 1,8 фоизини стипендия ташкил этмоқда. 2022 йилда пенсиянинг охиш суръати олдинги йилга нисбатан 22,4 фоиз, нафақаники 72,5 фоиз, стипендияники эса 31,5 фоизга тенг бўлди.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлик модели ҳали тўла шаклланмаган бўлса-да, унинг барқарорлашган таркиби, шакл-шамойиллари яққол кўзга ташланиб турибди. Бу моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳам норасмий (ноформал), ҳам расмий (формал) қоидалар муҳим роль ўйнайди. Бир мамлакатда қарор топан аҳоли фаровонлик моделини бошқа мамлакатда тўла қабул қилиб бўлмайди. Ҳар бир моделга табиий-географик шарт-шaroит, тарихий ривожланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби, халқнинг урф-одати, анъанаси ва менталитети таъсир ўтказмай қолмайди.



сидқидилдан ғамхўрлик қиладиган феъл-атворга эга кишилар зикна, худбин одамлардан фарқли ўлароқ, жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан ҳурмат ва иззат-икром қилинади. Бундай фаолият жамият, жамоа, маҳалла томонидан маъқулланади, қўллаб-қувватланади. Демак, у маънавий, ахлоқий кучга эга.

Расмий (формал) қоидаларнинг эса йуриги бошқа. Улар давлат томонидан ишлаб чиқилади. Қонун, қарор, фармон ва дастур сифатида амалга оширилади. Инклюзив, яъни барчага баробар бўлиб, бажарилиши шарт. Давлат органлари томонидан назорат қилинади.

Президентимизнинг 2022 йил 25 июлдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш, соҳага ажратиладиган бюджет маблағини ошириш, қўшимча ресурсларни жалб қилиш, оилаларни оғир ҳаёт тарзидан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни ишлаб чиқишга хизмат қилади. Бундан ташқари, қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, барчасида бандлиқни таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш назарда тутилган.

Айни пайтда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг институционал асослари шаклланимоқда. Ҳужмалдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг Ижтимоий ҳимояни ривожлантириш институти ҳамда тизим ходимларининг малакасини ошириш маркази фаолият юритмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаблари ва халқроқ стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш вазифалари қўйилган.

Фаровонликка камбағалликни қисқартириш, пухта ишланган ижтимоий сиёсат орқали жамиятда даромадининг ҳаддан ташқари нотекис тақсимланишини камайтириш орқали етишиш миллий моделининг яна бир ўзига хос хусусиятидир.



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

ТОҒ-КОН САНОАТИНИНГ ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЯДИ

Китоб туманида 2011 йилда фаолиятини бошлаган “Сафит Карб” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси юртимиз қурилиш материаллари бозорини микрокальцит билан таъминлашда етакчи таъминотчилардан бирига айланди. Лойиҳа қиймати 10 миллион долларлик ушбу корхонада йилга 18 минг тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

Китоб туманининг “Бир кунлик” деб номланган тоғли ҳудудидаги икки кондан қазиб олинаётган табиий қазилмалар ишлаб чиқариш цехига олиб келинмоқда. Бугунги кунда бу ерда 65 нафар кишининг бандлиги таъминланган.

— Микрокальцит лак-бўёқ тайёрлашда ишлатилади, — дейди қўшма корхона раҳбари Баҳром Обидов. — Ҳозирда қурилиш маҳсулотлари бозорида микрокальцитга талаб юқори. Шу боис, янада кўпроқ ишлаб чиқариб, бозор эhtiёжини қондиришга ҳаракат қилаямиз. Хусусан, жорий йилда қиймати ўн миллион доллардан ортиқ лойиҳа асосида қўшимча цех бунёд этилди. Айни пайтда хориждан олиб келинган тош майдалаш ва қайта ишловчи дастохлар ўрнатилиб, синнов жараёни олиб боришмоқда. Қисқа фурсатда янги цех тўлиқ ишга туширилади.

Ҳозирда маҳсулотимиз фақатгина қўшни Қирғизистонга экспорт қилинаётган бўлса, кейинчалик Қозоғистон ва Тожикистонга ҳам сотишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун барча имкониятларимиз етарли.

Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги “2023-2025 йилларда Қашқадарь вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, қарорда белгиланганидек, мавжуд табиий захира-лардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.



Маълумотларга кўра, жорий йилда вилоятда хомашё захирасига эга 50 та кон аукцион савдоларга чиқарилди. Ушбу конларнинг 24 таси тадбиркорлар то-

монидан ўзлаштирилмоқда. Йил якунига қадар ушбу йўналишда яна бир қатор конларни аукцион савдоларига чиқариш орқали янги тадбиркорлик субъектла-

рини ташкил этиш белгиланган. Бу эса саноатни янги босқичга қўтариш билан бирга, қўшимча иш ўринлари яратишдан далолат беради.

Бугунги кунда вилоятда 642 та саноат корхонаси фаолият юритмоқда, шундан 72 таси янги ташкил этилган.

Утган саккиз ой мобайнида мазкур корхоналарнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми 861,1 миллион сўмга етди.

— Жорий йил якунига қадар туманимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1266,7 миллион сўмга етказилиб, ўтган йилга нисбатан 120 фоизлик ўсиш таъминланади, — дейди Китоб туман ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Каримов. — Яъни бу жараёнда қўшимча 3 та паст қувватда ишлаган саноат корхонаси фаолиятини соғломлаштириш чоралари қўрилади. Уларнинг қувватини ошириш хисобига 4 миллиард сўмлик ҳамда аввал ишга тушган 13 та лойиҳа буйича юқори самарадорликка эришиш борасида берилган қўмақлар натижасида 5,3 миллиард сўмлик, дастурлар доирасида амалга оширилладиган 21 та лойиҳанинг муддатидан олдин ишга туширилиши

хисобига жорий йил якунига қадар 21,1 миллиард сўмлик амалий ишлар бажарилади.

Албатта, туманимизда ҳали фойдаланилмаган табиий захираларимиз кўп. Мисол учун, юқори тоғли ҳудудимизда бир қатор конлар бор. Булардан керакли қурилиш иншоотлари учун зарур материаллар тайёрлаш мумкин. Ҳозирда ишбилармонлардан бир қатор тақлифлар тушмоқда. Тегишлича ўрганиб, улар билан ҳамкорлик ишлари амалга оширилади.

Китоб туман ҳокимлиги тақдим этган маълумотларга кўра, айни пайтда ҳудудда 2,1 миллион тонна мармар тош, 8,8 миллион тонна оҳақ тош каби 38 та табиий захира, 263,1 миллион тонна цемент хомашёси мавжуд бўлиб, ушбу хомашёларни қазиб олиш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали саноатни ривожлантириш имконияти мавжуд. Демак, тез орада бу имкониятлар ҳам ишга солиниб, саноатда янада юқори ўсиш таъминланади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг 540 йиллиги

МУШТАРАК ТАРИХИЙ
ВОҚЕЛИКЛАР СИРИ
(“Сафарнома”, “Саёҳатнома” ва “Бобурнома” мисолида)

Буробия РАЖАБОВА,
ЎЗР ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклор
институты етакчи илмий
ходими, филология
фанлари номзоди

Конгресс доирасида “Ўзбекистон маданий мероси” туркумидаги китоб-альбомларнинг янги 61-70 жилдлари тақдими бўлиб ўтди. Озарбайжон, Ҳиндистон, Қозғистон, Қирғизистон, Россия (жумладан, Татаристон) ва Туркиядаги Ўзбекистоннинг маданий мероси тўпламларига бағишланган китоб ва альбомлар шулар жумласидан.

Айнан 70-жилда “Бобурнома”нинг форс тилига қилинган таржимаси, яъни “Воқеоти Бобурий” Ҳиндистондаги Худо Бахшон Шарқ кутубхонаси тўпламига киритилган. Эътиборлиси, мазкур китоблар тўплами кутубхоналарга бепул тақдим этилмоқда.

Шунингдек, Бутунжаҳон жамиятининг бошқа нашриёт лойиҳалари — “Шарқ минияткорасида тарихий шахслар”, “Клавихо: Самарқанддан Темур саройида саёҳат кундалиги (1403-1406)”, “Риштон кулолчилиги”, “Ўзбекистон санъати дурдоналари”, “Орол ва Аму бўйларида: қорақалпоқ санъати”, “Бадиий атамалар энциклопедияси” альбомлари, “Безак энциклопедияси” мавзуларига бағишланган режадаги нашрлар, “Ўзбекистон ғиламлари”, “114 Қуръон”, “Шарқнинг 100 нодир қўлёзма-си” лойиҳалари ҳам конгресс иштирокчиларига ҳавола қилинаётир.

Айни мақола халқаро анжуманда сўз юритиладиган айрим мавзулар ва янги тарихий маълумотлар асосида тайёрланди.

“Бобурнома” мемуар асари бадиий адабиёт, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография, тарих, география, фалсафа фанлари ва ўзбек (туркий), форс, араб, маълум маънода, афгон, ҳинд, урду тиллари, шунингдек, миллий давлатчилигимиз тарихи учун ҳам ноёб манба саналади. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур ва теурийларнинг давлат бошқаруви, давлатчилик масалалари, дипломатик муносабат, идора усули, ҳукмдорлар номи, фаолияти, хонадони, беклари, судурлари, қалам аҳли, шаҳарсозлик маданияти, тарихда ўтган буюк шахслар таърифи, ҳарбий ишлар, тактика масаласи кенг баён қилинган. Айни пайтда муаллифнинг уларга бўлган муносабати ҳайратланарли тарзда ифодаланган.

“Бобурнома”да олға сурилган мухташам гоёлар, боқий фикрлар талқини муаллифнинг чуқур мушоадалари билан боғлиқ кенг тасвир ва лавҳаларда, юксак



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қўғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 22:58 Тошпирлиди — 23:35

Маърифат



тушиб, чўкиб кетар экан. Бундай табиий офатни эшитган тadbиркор аёл араблардан тонна-тонна ҳажжда хурмо данагини сотиб олиб, шу ўқонни бекритган экан. Натижада кемалар Убуллада бемалол сузадиган бўлган. Бунин эшитган Носир Хисрав бу оқила аёлнинг одамлилиги, қарами, эҳсонини олдида лол қолганини ҳам айтиб ўтган. Чунончи: “Айтишларича, илгари Убулла анҳорининг қуйилиш жойида улкан гирдоб бўлиб, кемалар ута олмас экан. Шунда Басранинг энг бой — бадавлат кишиларидан бўлмиш бир аёл 400 та кема қурдириб, уларни хурмо данаги билан тўлдириб, устини маҳкам ёпиб ўша жойга чўктиришни буюрибди. Шундан сўнг кемалар бемалол ўтадиган бўлибди”.

Бу маълумот орқали биз тadbиркор аёлларнинг ҳамма даврларда ҳам ихтимойи фаолиги, мулкдорлиги, қўл остидаги хусусий мулкни юрт, жамият, миллат манфаати учун эҳсон қилганидан хабардор бўламиз.

Бобур “Бобурнома”да эса тadbиркор, мударриба аёл сифатида ўзининг улғ энаси Эсондавлатбегимни таништиради. “Куч аларда эди”, деб юқори баҳолайди ва Эсондавлатбегимнинг тadbирини сабаб 12 ёшда давлатни, ота тахтини ўзида саклаб қолгани ёки Андиқонда боғлар барпо қилгани хусусида фахр ва гурур билан гапириб ўтган. Ёки “Бобурнома” аънасида “Хўмоюннома”ни битган қизи Гўлбаданбегимни эслаш мумкин.

Носир Хисрав ва Бобур мемуарларида мактублар ҳақида ҳам хабарлар учрайди. Масалан, Носир Хисрав “Сафарнома”да Шом волийсига ёзган ўз мактубини тасмил қилган. Чунончи: “Қайси бир йили Шом волийси ўз мактубида шундай деб ёзибди: “Бу йил зайтун ёғи



шаҳри тарихида бир оқила тadbиркор араб аёли ҳақида қимматли маълумот битган. Бу Нил дарёси билан боғлиқ хабарларда айтилган. Жумладан, Миср аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эътиёжини тadbиркор аёлнинг ҳал қилишини ва 5000 одамни иш билан таъминлаганини ҳайрат билан тасвирлайди: “Миср шаҳри Нил дарёси қирғоғи бўйлаб анча жойга чўзилган. Жуда қўп қўшқ ва шийонлар дарё лабида жойлашган ва уларга арқон билан сув чиқарилади. Лекин шаҳарда сувни мешқобчилар баъзилари туяларида, бошқалари елкаларида ташшилади. Дамашкий жездан ясалган ва ўттиз манн сув сиғадиган кўзаларни қўрдим, ялтироқлигидан олтиндан асалганга ўхшарди. Бир одам менга шунақадан 5000 та кўзаси бўлган бир аёл ҳақида хикоя қилиб берди. У ҳар битта кўзани ойига бир дирҳам ҳам эвазига ижарага берар экан. Ижарачилар мударрат тугагач, кўзани бешикаст қайтаришни ўхдаларига, яъни зиммаларига олишар экан”. Лавҳада у маълум маънода халқ ҳаётидан ҳам хикоя қилади.

“Сафарнома”нинг “Басра музофотлари тарихи” номли ўқишли фаслида бой ва тadbиркор фозила аёлнинг бунёдкорлиги ҳақида ёзган қисқа маълумот билан танишамиз. Убулла анҳорининг қуйилиш жойида катта гирдоб бўлиб, сузиб ўтаётган айрим кемалар шу ўқонга

кам олинди. Агар фармони олий бўлса, биз маскидларга турп ва шолғом уруғидан олинучи ёғ, яъни “зайти хор” берамиз”. Унга шундай жавоб жўнатишди: “Сен вазир эмас, балки хизматқорсан. Худонинг уйи учун нимаики лозим бўлса, улар ўзгаришига ва кечиктирилмасдан берилиши шарт!”.

Асарнинг “Мисрдан қайтмоғимиз баён” номли фаслида ўзи билан боғлиқ бир мактуб мазмунини қуйидагича баён қилган: “Мен Жидда амираи қабулида бўлдим. Менга ҳурмат қўрсатиб, бож тўлашдан озод қилди, ҳатто Маккага “Бу одам донишманд, ундан ҳеч нарса олмаслик керак”, деган мазмунда хат жўнатди. Жума куни намозгар пайти мен Жиддани тарқ қилдим ва жумудул охир оёи сўнгиде яқшанба куни Макка дарвозаси олди-га етиб келдим”.

Носир Хисрав ва Бобур ҳам ўзларининг маънавий кўчар мулки, яъни китоблари ҳақида ҳам ибратли хабар битган. Жумладан, Носир Хисрав ёзади: “Ҳажни адо этгач, мен Мисрга қайтдим, чунки у ерда китобларим қолган эди. Бу йил Мисрга Мадина амираи ташриф буюрди. У Хусайн ибни Али салавотуллоҳи алайҳумо авлодидан бўлгани учун султон унга йиллик маблағ тайинлаган ва шуни олишга бorgan эди. Мен у билан кемада Қўлзумга бирга бордим. Ундан Мисрга ҳам бирга кетдик”.



Бобур мемуарида ўзининг “Вақоеъ”, “Мубаййин”, “Аруз рисоласи” девони каби китоблари ҳамда Навоий, Жомий ва бошқа шоирларнинг асарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар битган. Айни пайтда Ибн Баттута ҳам ўзининг китоблари хусусида маълумотлар қолдирган. Бундай тасвирлар орқали биз уларнинг китобга бўлган катта ихлоси, баланд эътиқодидан хабардор бўламиз.

Тарихдан маълумки, машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута 1228 йил Танжана шаҳридан чиқиб, то Хитойгача бориб, 1256 йилда яна ватанига қайтган. Шу тариха буюк сайёҳ 28 йиллик саёҳатлари, сафарлари натижасида араб тилида “Саёҳатнома” номли мухташам китобини ёзган. Китобда Ибн Баттута ҳам ўз кўзи билан кўрган воқеалар, учрашган буюк шахслар, мухташам саройларда қабул қилган ҳукмдорлар номи, суҳбатлари, давлат, идора усули билан боғлиқ тасвирлари, маълум муддат яшаган шаҳарлари, уларнинг табиати, иқлими, географияси, ўзининг муҳаддис сифатида йўл-йўлакчи қўллаб муҳаддислардан ҳадислар ўргангани хусусида фахр туйғуси билан хабарлар ёзган.

Шу ўринда Ибн Баттутанинг Шахрисабз, Кеш, Бухоро, Самарқанд, Вобкентга оид баёнлари диққатга сазовор. Саёҳатчи муаллиф бу шаҳарларга айрича меҳр билан қараган. У Бухорога Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш учун шошилган. Самарқандда эса фарзанд кўриш истаганини айтган. Лекин Ибн Баттута Самарқандда эмас, Шахрисабзда қиз фарзандли бўлади ва у ерда маълум муддат яшайди. Шу сабаб Кеш шаҳри Баттутанинг қалбида бир умр сакланиб қолади. Маълумки, Бобур ҳам Кеш ҳақида “Бобурнома”да тўлқинланиб ёзган. Айниқса, у Амир Темурнинг асли Кешдан эканини фахр билан эслаган.

Баттута асаридagi “Ўрта Осиё” фаслининг Бухоро билан боғлиқ тасвирида Вобкент шаҳрининг ободлиги хусусида шундай маълумот битган: “Вобкент шаҳрига етдик. У Бухородан бир кунлик масофа беридадир. Вобкент — чиройли шаҳарча. Унда ариқлар, боғлар сероб. Шаҳар аҳолиси йил бўйида уйда узум саклайди. Уларнинг олу деб аталадиган меваси бор. Шу меваларни қуриштиб, қоқи қилиб Ҳиндистон ва Хитойга олиб боришди. Шу меванинг устидан сув қуйиб, шарбатини ичишади. Янгиллигида ширин бу мева қуритилганида нордонроқ бўлиб қолади. Мева жуда этдор бўлиб, на Андалусияда, на Сурияда бунга ўхшаш мевани кўрганман. Биз кун бўйи бир-бирига туташиб кетган боғлар, ариқлар, дарахтзорлар ва шудгор қилинган дала-лар орасидан ўтиб бориб, Бухоро шаҳрига етиб келдик. Бухоро — муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ватанидир”.

Баттута ва Бобур маълумотларидаги яна бир ўхшашлик мевалардан бўлмиш

олу болу ҳақидадир. Жумладан, ушбу меванинг номи, хусусияти, шифобахшилиги, Ҳиндистон ва Хитойга элтиб сотилиши билан боғлиқ тасвир айнан муштараклик касб этган.

Яна Бухоро тарихига келсак, Ибн Баттута “Саёҳатнома”нинг “Ўрта Осиё” фаслида Бухоройи шарифни машҳур муҳаддис Имом Бухорийнинг шарафли номи билан эсга олган: “Бухорода “Ас-Саҳиҳ”ни тузган аллома имом, мусулмонлар шайхи Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий қабрини зиёрат қилдим. Аллоҳ уни раҳмат қилсин”. Яна ўқиймиз: “Бухорилик бошқа алломаларнинг макбараларида ҳам исми-шарифлари ва илмий меросларининг номи ёзиб қўйилган. Мазкур битиклардан кўпларини кўчириб олган эдим, ammo бу ёзувлар ҳинд зардуштиллари денгизда молларимни тортиб олган чоғда бошқа буюмларим билан бирга йўқолди”.

Бобур “Бобурнома”да Самарқанд ва унинг атрофида яшаб ўтган ўн нафардан ортиқ буюк шахслар, яъни шох Искандар, Қусам ибн Аббос — Шохизинда, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мотуридийлар ҳақида ёзган маълумотида Имом Бухорийни Хожа Исмоил Хартанак деб тилга олган. Бобур бу ўринда Имом Бухорийнинг 810 йилда Бухородан чиқиб Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанак қишлоғида қариношнингиде тўхтагани ва бетоб бўлиб вафот этгани, шу қишлоққа дафн қилинганига ишора қилиб Хожа Исмоил Хартанак деб шарафлаган ҳақида “Саҳиҳи Бухорий”ни тилга олган. Ўқиймиз: “Яна соҳиб “Саҳиҳи Бухорий” Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндир”.

Иккинчи муштарак тарихий ҳодисалар вақф, зовия, эътиқоди мустаҳкам тақводор кишилар, маърифий маж-лислар, зиёрат туризми хусусидадир. Бу каби қадриятларни эътироф қилган Баттута шундай ёзади: “Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеида тўхтадик. Бу ерда энг улғу авлиёлардан бири, аллома шайх, гўшанишин авлиё Сайфуддин ал-Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан аталадиган ва биз кўчиб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келадиган (даромадлар) ҳисобига боқилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфуддин авлодларидан бири бўлиб, Маккага ҳаж қилган Яхё ал-Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўллаб зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан Қуръондан қироат қилдилар, воиз эса амири маъруф этди. Ҳофизлар туркий ва форсий тилларда жуда яхши қўшиқлар айтдилар. Биз учун бу энг гаройиб кечалардан бири бўлди”.

Умуман олганда, Ибн Баттута ва Бобурнинг Кеш, Бухоро, Самарқанд, Вобкент билан боғлиқ маълумотлари шаҳарсозлик маданияти тарихида муҳим маълумот ҳисобланиши билан бирга, ўқувчини ҳайратга солади.

Баттута “Саёҳатнома”нинг 4-фаслини “Ўрта Осиё” деб атаган ва унда қўхна Хоразм замини, Тўрабека она, эри Қўтлугмурод ҳоким, Хоразм қовуни, хоразмлик буюклар Нажмиддин Қубро, Замахшарийлар макбарасини зиёрат қилгани хусусида ҳам хабар битган. Машҳур сайёҳнинг ҳайратини оширган шахс бу ҳокима Тўрабека она бўлган.

Баъзи муштарак тарихий ҳодисаларни Бобурнинг “Бобурнома” Носир Хисравнинг “Сафарнома”, Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” каби асарлари мисолида ўргандик. Қиёсий аспектда Самарқанд, Кеш, Бухоро, Вобкент тарихи, тасвири, оқила ва мударриба аёллар ҳамда муаллифларнинг китоб, номалари билан боғлиқ лавҳа, хабарларни таҳлил ва талқин қилишга ҳаракат қилдик. Хулоса шуки, биз талқин қилган муштарак тарихий ҳодисалар, ҳар учала мутафаккирининг юксак маҳоратидан ва айни пайтда мозийнинг қўхна садоларидан дарак беради.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.